

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
2021 йил “11” декабрь
4160-сон билан

**“ҚАЙТА РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИЛГАН”**

Республика Маънавият ва
маърифат Кенгашининг 2021 йил
5 ноябрдаги 199-сон баёни билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
УСТАВИ**

(янги таҳрирда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Устав Республика Маънавият ва маърифат маркази (бундан кейин матнда – Марказ деб юритилади) нинг ташкилий ҳуқуқий шакли, мақсад ва вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини белгилайди.

1.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон қарорига асосан Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида ташкил этилган.

1.3. Марказ Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.4. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон қарорига асосан Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ишчи органи бўлган нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади.

1.5. Марказнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – муассасадир.

1.6. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишларига ҳамда Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва ушбу Уставга мувофиқ амалга оширади.

1.7. Марказ ўз фаолиятини қонунийлик, ошкоралик ва ўзини-ўзи бошқариш тамойиллари асосида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.8. Марказ ўз номидан мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларига эгалик қилиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига, мустақил балансига, банк муассасаларида миллий ҳамда хорижий валютада ҳисоб рақамларига, ўз номи кўрсатилган думалок муҳр, штамп ва бланкага эга бўлади.

Марказ белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган байроқ, вимпел, эмблема ва бошқа рамзларга эга бўлиши мумкин.

1.9. Марказ Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 76-уйда жойлашган.

1.9.1. Марказнинг тўлиқ номи:

давлат тилида – “Respublika Ma’naviyat va ma’rifat markazi”

рус тилида – “Республиканский Центр духовности и просвещения”

инглиз тилида – “Republican Center of Spirituality and Enlightenment”

Марказнинг қисқартирилган номланиши:

давлат тилида – РМММ

рус тилида – РЦДП

инглиз тилида – RCSE



II. МАРКАЗНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Марказнинг асосий мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш, орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорлик руҳини умуммиллий ҳаракатга айлантириш;

миллий маънавиятимизнинг маъно-моҳияти, илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, унинг бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган изчил, таъсирли ва замонавий усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш;

вазирлик ва идоралар, ҳудудларда кенг аҳоли вакиллари, айниқса, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, фидоийлик, уларда ислохотларга дахлдорлик фазилатларини тарбиялаш, миллий қадриятлар, урф одатлар, муқаддас анъаналаримизнинг ҳозирги ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиқ беришга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилишини мувофиқлаштириш;

аҳоли айниқса, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ички ва ташқи таҳдидларга қарши қаратилган тизимли ва замонавий ташвиқот ишларини олиб бориш ва бошқалар.

2.2. Марказ қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишларнинг устувор йўналишларини белгилаш;

соҳалар ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

аҳоли, айниқса, ёшларни узлуксиз маънавий тарбиялаш динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш;

кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат “Маърифат” тарғиботчилар жамияти фаолиятини мувофиқлаштириш;

дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, коррупция, сепаратизм, одам савдоси, ахборот хуружлари, “оммавий маданият”нинг салбий таъсирлари, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш;

жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган тарғибот тадбирларини амалга ошириш;



миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг маънавий эҳтиёжлари, ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш;

вазирлик, идоралар ҳам ҳудудларда маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказиш;

ёшларда соғлом дунёқараш, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларида оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

маҳаллаларда ёшларни ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари ўртасида ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан воситалар орқали сингдириш, аجدодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш;

телевидение, радио, матбуот, интернет имкониятларидан тўла фойдаланиб, турли мавзу ва кўринишдаги ижтимоий рекламалар тайёрлаш, замонамиз қахрамонлари – етакчи, илғор фикрли, барчага ўрнак бўлган шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан оммани таништириш, уларнинг турли ижобий ташаббусларини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган иллатларни, уларнинг турли муаммоларини дадил кўтариб чиқиш;

маънавий-мафкуравий жараёнларни илмий асосда ўрганишни, унинг диагностик асосларини ишлаб чиқишни ва истиқболларини белгилашни, тарғибот ишларига самарали ташкил қилиш, соҳа ходимларининг малакасини оширишни амалга ошириш;

мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишлари бўйича давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва ишчи (эксперт) гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва маънавий таҳдидларнинг моҳиятини аҳолининг турли қатламларига таъсирини ўрганиб бориш;

ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи, уларни ғоявий жиҳатдан қарам этишга йўналтирилган ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш ҳамда иродали, фидойи, ватанпарвар ва ўз мустақил фикрига эга авлодни тарбиялаш бўйича маънавий-ахлоқий тарбия дастурларни ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишга доир хорижий таърибани ўрганиш, шунингдек, бугунги мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш;

мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими, маҳалла ва бошқа тузилмалар кесимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг



мониторингини олиб бориш, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тарбия бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

маънавий тарбия ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш, уларнинг натижалари амалиётга татбиқ қилинишини мувофиқлаштириш ва бошқалар.

2.3. Марказ фаолияти юзасидан юкланган вазифаларни “йўл хариталари”, чора-тадбирлар Дастурлари орқали амалга оширади.

III. МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбиянинг узвийлигини таъминлашга кўмаклашиш;

тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш;

эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

аҳолининг интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;

маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш;

оила, таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар ўртасида мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларни ташкил этиш;

“Жаҳолатга қарши маърифат” тамойилидан келиб чиққан ҳолда терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, радикализм, сепаратизм, коррупция, одам савдоси, “оммавий маданият”нинг салбий таъсирлари, наркобизнес каби юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигига раҳна соладиган, халқимизнинг иймон-этиқодига зарар етказадиган ҳар қандай ёт ғояларга нисбатан аёвсиз курашчан муҳитни яратиш;

глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайган таҳликали, мураккаб вазиятда маънавий-маърифий технологияларни такомиллаштириш;

мамлакат аҳли, айниқса, ёш авлоднинг дунё ва юртимиз миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, уларда фаол фуқаролик позициясини, фидойилик ва ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;

халқаро майдонда юз бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар, ён-атрофимизда кечаётган жараёнлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, одамларни маънан етук, сиёсий жиҳатдан фаол фуқароларга айлантиришга қаратилган маърифат тизимини яратиш;

фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлатни ривожлантириш жараёнида барча ижтимоий гуруҳ ва табақалар вакилларининг ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали улар калбида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига ҳурмат ҳиссини кучайтириш, айти пайтда, ўзининг фуқаролик ҳуқуқи, эркинликлари ва

бурчини чуқур англаган ҳолда яшаши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш.

IV. МАРКАЗНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Марказнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

миллий ғоя ва мафкура назарияси ва амалиёти технологиялари бўйича тадқиқотларни олиб бориш, тарғибот ишларини методик таъминлаш, илмий экспертиза ўтказиш, мултимедиа маҳсулотларини яратиш;

олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилар ва халқ ичида нотиқлик маҳоратига эга фуқаролардан ташкил топадиган “Маърифат” тарғиботчилар жамияти фаолиятини доимий йўлга қўйиш, жойларда маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, жамоат, маданият ва санъат ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш, ахборот-таҳлил ишларини амалга ошириш;

республикадаги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ташкилотларда маънавий-маърифий ишлар аҳволини ўрганиш, маънавий муҳитни таҳлил этиш, муҳокама қилиш ва шу асосда уларга тегишли тавсиялар бериш;

давлат органлари ва ташкилотлар, муассасаларга маънавий-маърифий ишлар самарали ташкил қилинмаганлиги, шунингдек, давлат сиёсати, давлат рамзлари, миллий қадриятларга ҳурматсизлик, маънавий-ахлоқий мезонларга зид ҳолатлар, эзгу инсоний фазилатларга таҳдид солувчи, ахлоқсизлик, беҳаёликни тарғиб этувчи ҳолатлар бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш;

марказ балансидаги эҳтиёж мавжуд бўлмаган мулкни бегараз фойдаланиш ҳуқуқи билан марказнинг худудий бўлим ва бўлинмаларига белгиланган тартибда ўтказиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари билан маънавий маърифий масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

фестиваллар, танловлар ва бошқа тадбирлар ғолиблари, қатнашчилари ва фахрий меҳмонларини эсдалик совғалари билан мукофотлаш;

марказ тизимидаги иқтидорли, алоҳида фидокорлик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён қилган маънавий маърифий соҳа ходимлари номзодларини мукофотлашга белгиланган тартибда тақдим этиш;


Марказ балансидаги биноларни шартномага асосан бевосита вақтинчалик ижарага бериш;

“Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан маънавият ва маърифат бўйича масъул ходимлар ва тарғиботчилар малакасини ошириш самарадорлигини назорат қилиш;

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишларини ташкил этиш ва кенгаш қарорларини ижро этиш билан боғлиқ амалий-ташкилий ишларни амалга ошириш;

оммавий ахборот воситаларида, жаҳон ахборот тармоғида ўз фаолиятига доир маълумотларни ёритиб бориш;

вазирликлар ва идоралар, ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар, маънавият ва маърифат кенгашларидан ислоҳатлар натижалари, маънавий-маърифий масалаларга доир маълумотларни сўраб олиш;



халқимизнинг бой маънавий, маданий мероси, миллий кадриятларини республикамиз ва хорижда кенг тарғиб қилиш мақсадида хорижий мамлакатларга сафарлар уюштириш, медиа маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари, олий таълим муассасаларининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, умумий ўрта таълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлар лавозимларига номзодларни тайинлаш бўйича тавсиялар бериш;

устав доирасидаги мақсад ва вазифаларни бажариш юзасидан шартномалар имзолаш, ижтимоий-маънавий буюртмалар бериш, шартнома асосида олимлар, зиёлилар, мутахассислар, кўпни кўрган, ҳаётий тажрибага эга фаол фуқароларни китоб ва рисоалар тарғибот материаллари, илмий-публицистик мақолалар, сценарийлар тайёрлаш ишларига жалб қилиш, иш ҳажмини келишиш ва уларга бажарилган ишлар учун келишилган нархларда ҳақ тўлаш, уларни тарғибот материаллари билан таъминлаш;

Маънавий ва маърифий адабиётлар, услубий қўлланмалар, китоблар, плакатлар ва бошқа ёзма нашрлар мультимедия маҳсулотлар, кўрсатув ва эшиттиришлар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар, роликлар тайёрлаш;

турли корхоналарга ўз улуши билан таъсисчи бўлиб кириш, турли хизматлар кўрсатиш бўйича шўъба корхоналарини очиш;

уставада белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

жумладан:

буюртмалар бўйича шартномага асосан ёзма ва аудио китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ташкил қилиш;

маънавий-маърифий мазмундаги видео маҳсулотлар савдосини ташкил этиш;

киностудиялар, электрон нашрлар, портал ва сайтлар ташкил қилиш;

шартномага асосан адабий-бадиий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмали адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш;

маънавий-маърифий йўналишда шартномага асосан ўқув курслари ташкил қилиш;

Марказ ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин;

Марказнинг пуллик хизматлардан тушган пул маблағлари марказнинг моддий техник баъзасини ривожлантиришга ҳамда ходимларни ижтимоий қўллаб қувватлашга сарфлаш;

белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг маблағлари, жумладан, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантларини жалб этиш;

соҳани ривожлантириш мақсадида қонунларда белгиланган тартибда ўз газетасига, илмий-методик журналарига, жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайт ва веб-саҳифаларига, электрон нашрларга эга бўлиш, оммавий ахборот воситаларига таъсисчилик қилиш;



аҳолининг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга муносабатини ўрганиш, ҳудудларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда социологик тадқиқотлар ўтказиш, турли масалалар, муаммоларга бағишланган маҳаллий ва халқаро илмий-амалий конференция ва анжуманлар ташкил этиш, мустақил илмий изланувчиларнинг соҳага оид илмий тадқиқотлар олиб боришлари учун шароит яратиш, ижтимоий гуманитар фанлар бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузиш, диссертацияларни илмий экспертизадан ўтказиш, илмий хулоса ва тавсиялар бериш;

Марказ тасарруфидаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда ташкилот, муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Марказ ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Марказда муҳим аҳамиятга эга бўлган масаларни амалга ошириш учун Марказ раҳбарининг буйруғи билан 7 нафардан иборат таркибда Маслаҳат кенгаши ташкил қилиниши мумкин, Маслаҳат кенгаши фаолияти тегишли низомга асосан амалга ошилади.

4.2. Марказнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиш;

Ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар очиқлигини таъминлаш;

Ўз фаолияти юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботлар тақдим этиш;

минтакавий ҳудудий ва маҳаллий бўлимлар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан истиқболли режа ва дастурлар, уларнинг муаммоларини ечиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

турли жамоат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташаббуслари, иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш юзасидан тавсиялар бериш;

Марказ тизимлари ва соҳада хизмат кўрсатаётган масъул ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Марказ қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. МАРКАЗ ТАРКИБИ, РАҲБАР ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

5.1. Марказнинг раҳбар органи Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳисобланади, Кенгаш қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

Марказ ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) Маънавият ва маърифат кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси ҳамда унинг ўринбосарларини, Кенгаш масъул котибини сайлаш;



конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказ ва унинг бўлим ва бўлинмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш;

Марказ Уставини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) Маънавият ва маърифат кенгашлар низомларини тасдиқлаш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Марказ ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) Маънавият ва маърифат кенгашлари фаолиятини назорат қилиш;

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашлари раисларининг ҳисобларини тинглаш;

Маънавий-маърифий масалаларга оид чора-тадбирлар дастурлари, йўл хариталари ва фаолиятига оид бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятига оид ҳужжатлар Кенгаш раиси ҳамда унинг ўринбосарлари томонидан, шунингдек, Кенгаш масъул котиби томонидан имзоланади.

5.2. Марказнинг тасарруфига қуйидагилар қиради:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари (кейинги ўринда ҳудудий бўлимлар деб аталади);

Туман ва (шаҳар) бўлинмалари (кейинги ўринда ҳудудий бўлинмалар деб аталади);

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти;

“Маърифат” тарғиботчилар жамияти;

“Маънавият” нашриёти

“Тафаккур” журнали;

“Маънавий ҳаёт” журнали”

Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси.

Марказ тасарруфидаги бўлим, бўлинмалар ҳамда ташкилот, муассасалар тегишли Уставлар асосида фаолият юритади, уларнинг фаолияти Марказ томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5.5. Марказ раҳбарининг ваколатлари:

Марказга умумий раҳбарлик қилиш;

Конун ҳужжатларига асосан Марказ тасарруфидаги бўлим, бўлинмалар ҳамда ташкилот, муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

Марказ номидан ишончномасиз иш кўриш, барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий ташкилотлар олдида Марказ манфаатларини ифода этиш;

Марказ ходимларини, Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари раҳбарларини, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти, “Тафаккур”, “Маънавий ҳаёт” журналлари, “Маънавият” нашриёти раҳбарларини ўрнатилган тартибда лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади, шунингдек уларга рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш ваколатига эга ҳисобланади;

Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари ҳамда тасарруфидаги ташкилот, муассасалар уставларини тасдиқлайди;

ўзининг ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга



мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича Кенгаш раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

Рахбар ўринбосарлари, Марказ ходимлари, ҳудудий бўлим бошлиқларининг вазифалари ва лавозим мажбуриятлари ҳамда уларнинг шахсий жавобгарлигини белгилаш;

Марказ ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш;

Марказ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиши устидан назоратни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда қабул қилиш;

Марказ ходимларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тарихий шаҳарларга зиёрат қилишни амалга ошириш;

Маслаҳат кенгаши томонидан тасдиқланган низомга асосан умуммиллий ва касб байрамлари ҳамда бошқа тадбирлар муносаби билан ходимларни мукофотлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, уларга қўшимча устама ҳақлари белгилаш;

Марказ штат жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш; мулкӣ оператив ҳуқуқларни амалга ошириш, шартномалар тузиш, жумладан, меҳнат шартномаларини тузиш, ишончномалар бериш, банкларда ҳисоб рақамлари очиш, банк, молия ва бошқа ҳужжатларга биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланиш;

Марказ ходимлари, ҳудудий бўлим, бўлинмалар ҳамда тасарруфдаги ташкилот, муассасалар учун мажбурий бўлган бўлган буйруқ ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

Марказ бўлимлари ҳамда тасарруфидаги корхона, ташкилот, муассасалар молиявий ишларни назорат қилиш;

қонун ҳужжатларига асосида Марказ мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юридик шахслар сифатида тадбиркорлик тузилмаларини ташкил қилиш;

Марказнинг молиявий-хўжалик масалалари билан шуғулланиш, ҳомийларнинг моддий ёрдами ҳамда хўжалик ҳисобидан қўшимча маблағлар топишни йўлга қўйиш;

Марказнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш;

“Маърифат” тарғиботчилар жамиятини Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнига жалб этиш, нашриёт ва ташкилотлар тайёрлаган рисола ва қўлланмалар, шунингдек, янги замонавий ахборот технологиялари воситалари билан таъминлаш, рағбатлантириш масалаларини ҳал этиш;

хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, делегацияларни жўнатиш ва қабул қилиш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Марказ ишида алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар билан ҳодимлар ва жамоатчи тарғиботчиларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тавсия этиш ҳамда уларни ўз фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирлаш;

хўжалик ҳисобидан ишлаб топилган ва ҳомийлар кўмагида шакллантирилган молиявий маблағлардан Марказнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашда ҳамда ҳодимларни рағбатлантиришда фойдаланиш;

республикада маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш ҳамда юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш борасида фидокорона меҳнат қилган



ва самарали натижаларга эришган фуқаролар “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони билан мукофотлаши;

хўжалик ҳисобидаги маблағлар ҳисобига чиқарилган нашрий маҳсулотлар савдосини ташкил қилиш;

Марказ ўз балансидаги бинони, транспорт воситасини қонунларда кўзда тутилган тартибда ижарага бериш, сотиш;

Марказни ривожлантириш жамғармасини шакллантириш;

ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида амалдаги қонуңларга зид бўлмаган бошқа фаолият турларини олиб бориши мумкин;

Марказ раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин;

Марказ раҳбари Республика маънавият ва маърифат кенгаши раиси билан келишилган ҳолда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Марказ раҳбари бўлмаганда унинг вазифасини Марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари бажаради.

VI. МАРКАЗНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР (ХУДУДИЙ) БЎЛИМЛАРИ

6.1. Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари (бундан буён – ҳудудий бўлимлар) Республика Маънавият ва маърифат марказига бўйсунди ҳамда ушбу Устав, ўз Устави ҳамда қонун ҳужжатларига асосан белгиланган вазифаларни амалга оширади.

6.2. Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раҳбарлари ҳудудий кенгаш раислари томонидан таклиф этилган уч нафар номзодлар орасидан Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари томонидан лавозимига тайинланади ва озод этилади.

6.3. Марказнинг ҳудудий бўлимлари юридик шахс мақомига эга бўлиб, банк муассасаларида ўзининг ҳисоб рақамига ҳамда муҳрига эга бўлади.

6.4. Ҳудудий бўлимлари тасарруфига Республика Маънавият ва маърифат марказининг шаҳар ва туманлар бўлинмалари киради.

6.6. Ҳудудий бўлимлар жойларда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши қарорлари ва Республика Маънавият ва маърифат марказининг топшириқларини ижросини таъминловчи ташкилий идора бўлиб, тарғиботчилар фаолиятини мувофиқлаштиради, маънавий-маърифий ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради.

6.7. Ҳудудий бўлимлар ўз фаолиятини Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари томонидан тасдиқланган Уставга асосан амалга оширади.

VII. МАРКАЗНИНГ ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИНМАЛАРИ

7.1. Марказнинг туман (шаҳар) бўлинмалари тегишли ҳудудий бўлимлар раҳбарлигида фаолият кўрсатади ҳамда қонун ҳужжатларига асосан Устаविда белгиланган вазифаларни амалга оширади.

7.2. Марказнинг туман (шаҳар) бўлинмалари юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин, юридик шахс мақомига эга бўлиш Марказ руҳсати билан амалга оширилади.



7.3. Марказнинг туман (шаҳар) бўлинмалари раҳбарлари ўрнатилган тартибда Марказ билан расман келишилган ҳолда Марказнинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

7.4. Марказнинг шаҳар ва туман бўлинмалари маънавият ва маърифат Кенгашларининг ижро органлари сифатида зиёлилар қатлами, айниқса, ўқитувчи ва педагоглар, маҳалла фаоллари, турли нодавлат жамоатчилик ташкилотлари вакилларида иборат гуруҳлар тузиб, тегишли туман ва шаҳарларда жойлашган ҳамда мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар аҳволини ўрганиб боради, мувофиқлаштиради, ўрганиш хулосаларини тегишли Маънавият ва маърифат Кенгашлари муҳокамасига қўяди.

7.5. Марказнинг ҳудудий бўлим ва туман (шаҳар) бўлинмалари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

7.6. Бўлим ва бўлинмаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари батафсил равишда уларнинг Уставларида белгиланади.

IX. МАРКАЗНИНГ МУЛК ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

8.1. Марказ ўз тасарруфида бинолар, иншоотлар, уй-жойлар, ускуналар, анжомлар, миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқлари объектлари, ташкилот (корхона, муассаса)ларга ва ушбу Уставда кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ва ўз маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

8.2. Марказ, унинг бўлим ва бўлинмалари мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

давлат бюджети маблағлари;

Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси;

jisмoний ва юридик, жумладан, хорижий шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари ва эҳсонлари;

давлат буюртмасига асосан соҳага оид фаолиятини амалга оширишга ажратилган мақсадли молиявий ажратмалар ва давлат қўмаги;

грант, субсидия, ижтимоий буюртма кўринишидаги давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан маънавий-маърифий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун мақсадли келиб тушадиган маблағлар;

Уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун сарфланадиган, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойда);

Марказнинг босма нашрларидан тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

8.3. Марказ ва унинг тузилмалари томонидан тадбиркорлик, пуллик хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа фаолиятидан олинган даромадлар Уставда белгиланган фаолиятни амалга оширишга, марказнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга, ходимларни моддий қўллаб қувватлашга сарфланади.

8.4. Марказнинг ҳудудий бўлимлари ва бўлинмалари, шунингдек, тасарруфдаги корхона, ташкилот, муассасалар мол-мулкни Марказ рухсатисиз мустақил равишда балансдан чиқаришга ҳақли эмас.

8.5. Марказнинг ҳудудий бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлинмалари ўзларига бириктириб қўйилган мулкни оператив бошқариш ҳуқуқини амалга оширади.

IX. УСТАВГА ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Марказ Уставига қонун ҳужжатларига асосан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.2. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг, Марказ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт.

X. МАРКАЗДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ ИШИ

10.1. Марказнинг ҳудудий бўлимлари белгиланган тартибда Марказга ҳар чоракда кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар амалга оширган ишлар юзасидан ҳисобот бериб боради.

10.2. Марказнинг туман (шаҳар) бўлинмалари белгиланган шаклда ҳар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар ҳудудий бўлимларга амалга оширган ишлар юзасидан ҳисобот бериб боради.

10.3. Марказ ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олиб боради ва уларни белгиланган тартибда рўйхатга олувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этади.

10.4. Зарур бўлган ҳолларда Марказ томонидан Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда бўлинмаларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини аудитор текширувидан ўтказиш учун ташқи аудитор жалб қилиниши мумкин.

Шунингдек, Марказ тасарруфидаги бўлим ва бўлинмалар ҳамда ташкилот, муассасаларнинг маънавий ва молиявий фаолиятини ўрганиш мумкин.

XI. МАРКАЗНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

11.1. Марказни қайта ташкил этиш Республика Маънавият ва маърифат кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади.

11.2. Марказнинг тугатилиши Республика Маънавият ва маърифат кенгаши қарорига ёки суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

11.3. Марказ тугатилгандан кейин унинг мол-мулки Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки суднинг қарорида кўрсатилган тартибда тасарруф этилади.

11.4. Марказнинг кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот қатнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки нодавлат **нотижорат** ташкилотларининг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Республика Маънавият ва
маърифат Кенгаши масъул котиби



М. Ҳожиматов

Тикилган, рақамланган ҳамда муҳр билан
тасдиқланган

«13» 14.02.2014 йилда

Марказ раҳбар М. Хожиматов

